
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ ДИНИЙ СОҶА ВАКИЛЛАРИ ҲАМ "ЯШИЛ МАКОН"; УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИДА ФАОЛ ҚАТНАШМОҚДА

Кўчат экиб, боғ яратиш — халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Зеро, ўзимиз яшаб турган жойни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш туфайли кўнглимиз шодликка тўлади, турмушимиз файзли ва фаровон бўлади.

Юртимиз бўйлаб ўтказилаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида вилоятдаги диний соҳа вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Тадбир доирасида фарғоналик имом-хатиблар томонидан масжидлар, қабристон ва зиёратгоҳларда ободонлаштириш ишлари билан биргаликда кўчат экиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмитанинг вилоят ҳудудий бошқармаси ва ЎМИнинг вилоят вакиллиги ҳамкорлигида ташкил қилинаётган ушбу тадбирларда вилоятдаги имом-хатиблар томонидан турли манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-13 16:25:06